

Туркистонда хотин-қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларида татар-бошқирд аёлларининг фаолияти

Большевиклар ҳукмронлигининг дастлабки йиллариданоқ, маҳаллий хотин-қизлардан совет ҳокимиятини қўллаб-қувватловчи тарафдорларни тайёрлаш кўзда тутилган эди. Мазкур мақсадни амалга оширишда маҳаллий аёллар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боровчи хотин-қизлар бўлимлари ташкил этилди. Бу бўлимлар фаолиятининг асосий йўналиши хотин-қизлар орасида тарғибот ишларини олиб бориш орқали тезроқ уларнинг “юзларини очиш”, хотин-қизлар ижтимоий фаолликларини оширишни назарда тутар эди. Ҳукмрон сиёсий фирқа маҳаллий миллатнинг маданий мероси ва миллий кадриятларини эътиборга олмаган ҳолда, халқ онгида янги пролетар маданиятини шакллантириш учун кураш олиб борди. Пролетар маданияти шакллантириш йўлида йўриқчи курслари ташкил этилди.

Хусусан, 1918 йил 6 сентябрида Туркистон халқ маорифи комиссарлиги кенгаши йиғилишида аҳолига йўриқчи маданий ёрдам кўрсатиш курсларини ташкил этиш лойиҳаси тасдиқланди¹. Туркистон халқ маорифи комиссарлигининг 1919 йил 2 январдаги “Ишчи-деҳқонларга маданий ёрдам йўриқчи курслари очиш тўғрисида”ги Низомига кўра, мазкур санадан бошлаб, комиссарлик қошида 3 ойлик пролетариатга маданий ёрдам кўрсатиш йўриқчи курслари очилди. Бу курсларнинг асосий мақсади, жойлардаги маданий-маърифий муассасаларда иш олиб боровчи малакали йўриқчиларни тайёрлашдан иборат эди. Курсларга ўқитувчилар ва 18 ёшдан кам бўлмаган ўрта маълумотга эга бўлган фуқаролар қабул қилинди. Низомга кўра курсни тамомлаганлар вилоят, туман ва шаҳарларда 1 йил муддатгача мажбурий йўриқчи вазифасини бажаришлари лозим эди. Курсга қабул қилинган тингловчилар Туркистон халқ маорифи комиссарлиги томонидан 850 сўм миқдоридаги маблағ билан таъминланган².

Туркистонда хотин-қизлар орасида тарғибот ишларини олиб боровчи мутахассислар етишмовчилиги мавжуд эди. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида тили, дини маҳаллий миллат билан муштарак бўлган татар ва бошқирд хотин-қизларидан йўриқчилар тайёрлашга катта аҳамият қаратилди. Татар-бошқирд хотин-қизлари ёрдамида Туркистондаги маҳаллий хотин-қизлар орасида қисқа муддатда ташвиқот ишларини якунлаш кўзда тутилган эди. Мазкур масалани ҳал этиш мақсадида Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидан тарғиботчи гуруҳларни олиб келиш йўлга қўйилиб, уларнинг таркибида татар-бошқирд хотин-қизлари ҳам мавжуд бўлган. Совет ҳукуматининг дастлабки йилларида хотин-қизлар бўлимларида татар-

¹ ЎЗР МДА, Р.34- фонд, 1- рўйхат, 103- иш, 3- варак.

² ЎЗР МДА, Р.34- фонд, 1- рўйхат, 103- иш, 21- варак ва орқаси.

бошқирд хотин-қизлари фаолият кўрсатдилар. Масалан, Ханифа Пантошева 14 ёшигача Уралолди худуди губенияларидан бирида яшаган ва ота-онаси билан Бухоронинг Когон шаҳрига кўчиб келган. Х.Пантошева отасининг ёрдами билан қисқа муаллималик курсларини тамомлаб, 2 йил давомида Когон шаҳрида ўзбек қизларига дарс берган. У Бухоро хотин-қизлар бўлимининг фаол ходималаридан бири бўлган.

Ўрта Осиёдаги хотин-қизлар орасида ташвиқот ишларини олиб борилишида фаол қатнашган Л. А. Отмарштейн Бухорода хотин-қизлар бўлимининг иш фаолиятида маҳаллий миллат билан тили, дини ва маданияти муштарак бўлган татар-бошқирд аёллари асосий рол ўйнаганликлари ҳақида таъкидлаб ўтган. 1919-1920 йиллари орасида тарғибот-ташвиқот хусусан “Қизил Шарқ” поездининг Туркистонга юборилиши кучайган. Масалан, Ш. Каримова ва Сенюшкиналар тарғибот-ташвиқот поездида Тукистонга келганлар ва жойларда хотин-қизлар бўлимлари фаолиятини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатганлар. Ш.Каримова 1923 йили Туркистоннинг Етисув вилоятидаги хотин-қизлар бўлимининг раҳбари бўлиб фаолият юритган³.

Хотин-қизлар орасида тарғибот-ташвиқот ишлари билан биргаликда уларни саводсизлигини тугатишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Янги ҳукумат саводсизликни тугатиш ишларини олиб борилишида дастлаб қисқа муддатли курсларни ташкил этишга асосий эътибор қаратган. Ушбу курсларга маҳаллий миллат хотин-қизларини жалб этиш мақсадида татар муаллималарини дарс бериш учун тайинланган. Масалан, 1919 йил 12 майда Тошкентнинг Эски шшаҳридаги 8 ойлик муаллималар тайёрлаш курсида ўқиш тамом бўлгандан сўнг имтиҳон ўтказилиб, 106 нафар битирувчи талаба қизларга шаҳодатномалар берилган. Курсни тамомланиши муносабати билан ташкил этилган йиғилишда Тошкентнинг Эски шаҳар маориф шўъбаси мудири Додхўжа афанди сўзга чиқиб, мазкур курсларни муваффақиятли якун топишида тегишли курсларда ўқитувчилик қилган 20 нафар татар муаллималарининг хизматлари катта бўлганлигини таъкидлаб, уларга миннатдорчилик изҳор этган⁴. Қисқа педогик курсларнинг дастлабки талабалари орасида татар-бошқирд хотин-қизлари ҳам бўлиб, ҳукмрон фирка улар ёрдамида мазкур курсларга маҳаллий миллат аёлларини жалб этишга ҳаракат қилган.

Мусулмон педагогларни тайёрлаш курслари ўлканинг барча худудларида ташкил этилган. Жумладан Самарқанд вилоятида 1919 йил очилган “Қисқа мусулмон педагогик курс” тингловчиларининг 5 нафари татар аёллари эди⁵. 1919 йил Тошкентдаги турк хотин-қизлар курсларида 40 нафар татар қизлари ва 1 нафар ўзбек қизи таҳсил олган⁶. 1919 йил Тошкентдаги турк хотин-қизлар билим юртида очилган ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курсларида эса 50 нафар татар қизлари таълим олган⁷.

³Расулов А. Интернациональная помощь партийных организаций, трудящихся Средневолжского региона народам Туркестана (1918-24 гг.): Дисс... канд. истор.наук, Казань, 1990.- С. 221-226

⁴Азмий Б. Эски шаҳарда муаллималар курси хатоми // Иштирокиюн, 1919, 22 май

⁵ЎЗРМДА Р..34-фонд,1-рўйхат, 542-иш, 181-варақ

⁶ЎЗРМДА Р.34-фонд,1-рўйхат, 472-иш, 62-варақ

⁷ЎЗРМДА Р.34-фонд,1-рўйхат, 427-иш, 66-варақ

Ҳукмрон фирқа маҳаллий миллат урф-одатларини ҳисобга олмай, ўзбек хотин-қизларини маориф соҳасига тортиш ишларини амалга оширди. Бу эса маълум даражада аянчли оқибатларга олиб келди. Маҳаллий миллат аёлларини маориф соҳасига тортиш ишлари билан бирга уларни тезроқ “юзларини очиш” сиёсати ҳам олиб борилди. Хотин-қизлар бўлимлари маҳаллий аёллар орасида тарғибот-ташвиқот олиб бориш, саводсизликни тугатиш курсларида хотин-қизларни ўқитиш ишлари билан ҳам шуғулланган. Хотин-қизлар бўлимлари қошидаги маҳаллий аёллар учун очилган ёзги қисқа муддатли ва бир йиллик курсларни ташкилотчилари ҳам татар аёллари бўлиб, улар қаторида Марям Бахтиёрова, Муршида Исмоилова, Зоҳида Бурнашева, Анвара, Сарвар ва Зайнаб Яушевалар, Салима Ахтамова, Шарифа Халиуллина, Изза-Нур Муҳаммедова, Гавҳар Алиева, Саодат Еникеева, Амина Алимбек ва бошқалар ҳам бор эди. Улар хотин-қизлар билан биргаликда йиғилишлар, конференциялар ўтказиб, аёллар ҳуқуқларига оид совет қонунларини тарғиб қилиш ва уларга амал қилинишига эришилишида жонбозлик кўрсатганлар⁸.

Хотин-қизлар орасидаги тарғибот ишларини олиб боровчиларнинг дастлабки вакиллари европа ва рус миллатига мансуб аёлларни ташкил этган. Табиийки, улар маҳаллий миллат тилини яхши билмаганлар. Дастлабки йўриқчилардан бири Марченконинг таъкидлашича, маҳаллий миллат хотин-қизлари орасида тарғибот ишларини олиб боришда уларга татар аёллари яқиндан ёрдам берганлар. Дастлаб улар татар аёли Юсупова(исми кўрсатилмаган-Д.Н.) билан танишганлар. Унинг ўзи маҳаллий миллат хотин-қизларининг аҳволи ҳақида сўзлаб, уларнинг қадриятлари ва урф-одатларини батафсил тушунтириб берган. Шундан кейин яна 2-3 нафар татар аёллари тарғибот гуруҳига келиб қўшилган. Улар Хусанбаева, Фотиҳа Редкина, Каримова(исми кўрсатилмаган-Д.Н.) ва бошқалар⁹. Мазкур ҳолат эса маҳаллий миллат аёллари орасида тарғибот ишларини олиб боришга асосий омил бўлиб хизмат қилган.

1919 йил ноябр ойида партия кўмиталари қошида хотин-қизлар секциялари ташкил топган. Мазкур секцияга дастлаб маҳаллий хотин-қизлар орасида ташвиқот ишларини олиб боришда турли хил йўл ва услубларни ишлаб чиққан татар аёллари Зоҳида Бурнашева ҳамда Зухра Баимбетовалар раҳбарлик қилганлар¹⁰. Маҳаллий аёллар орасида тарғибот ишларини олиб боришда ва улардан дастлабки муаллималарни тарбиялашда унинг катта хизматлари бўлган. З.Бурнашева раҳбарлигида маҳаллий хотин-қизлар учун газеталарда махсус рукн ташкил этилиб, 2-3 та сони нашрдан чиққан¹¹. Ҳукмрон фирқа маҳаллий хотин-қизлар орасида тарғибот гуруҳи ишларини

⁸ Биктемирова Т, Хамитбаева Н. Татарки просветительницы. Актуальное национально-культурное обозрение «Анко» 3, 2001. <http://www.tataroved.ru/institut/center/publ/2/>

⁹ За пять лет. Сборник по вопросам работы Коммунистической партии среди женщин Средней Азии. М, 1925. –С. 118

¹⁰ Биктемирова Т, Хамитбаева Н. Татарки просветительницы. Актуальное национально-культурное обозрение «Анко» 3, 2001. <http://www.tataroved.ru/institut/center/publ/2/>

¹¹ За пять лет. Сборник по вопросам работы Коммунистической партии среди женщин Средней Азии. М, 1925. –С.122

муваффақиятли ташкил этилишида, туркий халқлар орасида ташаббускорликлари билан ажралиб турган, татар аёлларидан дастлабки йўриқчилар сифатида фойдаланишга муваффақ бўлган. Улар маҳаллий хотин-қизлар билан мулоқотда бўлиш ва янги ҳукуматнинг сиёсатини тушунтириш ишларини олиб боришда ҳамда хотин-қизлар бўлимларининг фаол иш юритишида асосий рол ўйнаганлар. Хотин-қизлар бўлими йўриқчилар орқали ўз ишини бошлаб, маълум вақтдан кейин эса ўз вакилларининг сони ортиб кетиб бошқариш қийинлашиб қолганлиги боис, ишчи-деҳқон бўлими ташкил этилиб, унинг қошида мусулмон секцияси фаолият юрита бошлаган. Дастлаб мазкур секцияга татар аёли Бахтиярова раҳбарлик қилган¹².

1920 йилдан жойлардаги янги совет мактабларида ўқув ишларини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида мактаб йўриқчи курслари ҳам ташкил этилган. Мазкур курслар тингловчиларининг асосий қисмини татар хотин-қизлари ташкил этганлигини қуйидаги далилдан ҳам кўриш мумкин. Масалан, 1920 йили мактаб йўриқчи курсларини тамомлаган 353 нафар тингловчининг 210 нафарини татар аёллари ташкил этган. Мактаб йўриқчи курсларини тамомлаганлар Туркистон халқ маорифи комиссарлигининг йўлланмаси билан турли ҳудудларга ишлаш учун юборилган. Жумладан, Афифа Бурнашева Фарғона вилояти Андижон уездига, Хадича Қурманбаева Еттисув вилояти Верний уездига мактаб йўриқчиси сифатида жўнатилган¹³.

Мавжуд манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, хотин-қизлар орасидаги тарғибот ишлари катта қийинчиликлар ва ҳатто қурбонлар эвазига амалга оширилган. Фарғона водийсида ташвиқотчи мутахассисларнинг етишмаслиги долзарб муаммолардан бири бўлган. Дин мутаассибларининг қаршилигига қарамай, татар аёллари ташвиқот ишларини давом эттиришга муваффақ бўлганлар. Бу эса улар ҳаётини фожиали якун топишига ҳам олиб келган. Хотин-қизлар бўлимининг ходималаридан бўлган татар аёллари П. Хўжаева ва Р. Муҳамедовалар Қорасув қишлоғида ташвиқот ишларини тамомлаб қайтаётганларида вахшийларча ўлдирилган. Таналарининг қисмлари эса гўшт бозорлардаги расталарига осиб қўйилган¹⁴.

Хотин-қизлар орасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини фаолларидан бири бўлган татар муаллимаси Валиева Омина ўз хотираларида шундай ёзади: “Мутаассиблар томонидан тарғиботчиларни тошбўрон қилинган, итларга талатилган ва ўлдирилган. 1932 йили Лағмон қишлоғида 15 ёшида Чистопол педагогика техникумини тамомлаб, Ўзбекистонга мактабда ишлаш учун юборилган 16 ёшли татар муаллимаси Жамила Юмаева вахшиёна ўлдирилган¹⁵.

¹² За пять лет. Сборник по вопросам работы Коммунистической партии среди женщин Средней Азии. М, 1925. -С.122

¹³ ЎзР МДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 523-иш, 43-варақ ва орқаси

¹⁴ Расулов А. Интернациональная помощь партийных организаций, трудящихся Средноволжского региона народам Туркестана (1918-24 гг.): Дисс... канд. истор.наук, Казань, 1990. -С. 224

¹⁵ Биктемирова Т, Хамитбаева Н. Татарки просветительницы. Актуальное национально-культурное обозрение «Анко» 3, 2001. <http://www.tataroved.ru/institut/center/publ/2/>

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳукмрон фирқа Туркистондаги хотин-қизларни маорифга тортиш ва уларни “юзларини очиш” сиёсатини муваффақиятли амалга оширишда татар-бошқирд аёлллари ёрдамида маҳаллий миллат хотин-қизлари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда ҳамда улар онгида мавжуд тузумга “садоқат” ҳиссини сингдиришда “унумли” фойдаланди.